

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI**

FARMATSEVTIKA JURNALI

Jurnalga 1992 yilda asos solingan

Yilda 6 marta chiqadi

PARMACEUTICAL JOURNAL

Founded in 1992

Published 6 times a year

№ 1. 2022

ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Основан в 1992 г.

Выходит 6 раза в год

Тошкент 2022

Юлдашев Закирджан Абидович, Абдукаримова Ҳалима Абдуманнон кизи*,
Нурматова Малоҳат Исматовна

1,4-БЕНЗОДИАЗЕПИН ГУРУҲИ МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ СУИИСТЕЪМОЛИ ВА БУНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА (адабиётлар шарҳи)

Тошкент фармацевтика институти
*e-mail: habdukarimova9397@gmail.com

Мақолада психотроп моддалар рўйхатига киритилган 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситаларини нотиббий мақсадларда ишлатилиши оқибатида келиб чиқадиган ҳолатларни ўрганиш натижалари келтирилган. Ҳозирги кунга келиб вояга етмаган ёшлар ўртасида 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситаларидан турли нотиббий мақсадда фойдаланиш оқибатида оғир жиноятларнинг содир бўлиши, уларни суиистеъмол қилиш натижасида эса ўлим ҳолатининг кўпайганлиги кузатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситалари билан заҳарланишлар сони дунё миқёсида ўсиб бормоқда. Адабиётларда келтирилган 1,4-бензодиазепин ҳосилаларини ноқонуний истеъмоли ҳақидаги маълумотлар ҳамда улар билан заҳарланишлар ҳолатлари ўрганилган.

Таянч иборалар: психотроп моддалар, 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситалари, заҳарланишлар, ноқонуний савдолар, халқаро назорат, суиистеъмол ҳолатлари, глобал муаммолар, ижтимоий тармоқлардаги савдолар.

Долзарблиги: мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятда қонун устуворлиги, жамоат хавфсизлиги ва маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ҳимоялаш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида шу жиноятни келтириб чиқарувчи сабаблар ва омиллар ўрганилади ҳамда улар билан курашилади. Бугунги кунда жиноятчиликнинг туб илдизларига назар солинадиган бўлса, уларнинг бири сифатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний ва нотиббий суиистеъмоли туради. Улар оқибатида келиб чиқадиган жиноятлар аҳоли хавфсизлигига катта таъсир кўрсатади.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, уларда келтирилган вазифаларни ижросини ўз вақтида бажарилиши аҳоли ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмолини назоратга олиш, дори воситаларини нотиббий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини олдини олишга муайян даражада хизмат қилади. Ҳозирги кунда суд-тергов органлари томонидан суд-тиббий экспертизасига текшириш учун

вояга етмаган ёшлардан олинган ашёвий далилларни олиб келиниши табиий ҳолга айланиб бормоқда. Суд-тергов органлари томонидан суд-тиббий текширувига тақдим этилаётган ашёвий далилларнинг кўп қисмида 1,4-бензодиазепин ҳосилаларига мансуб дори воситалари борлиги аниқланмоқда. Ушбу дори воситалари тиббиётда рухий касалларни даволаш, ҳушдан кетиш, ҳаяжонланиш, уйқусизликда кенг кўламда қўлланилади. Мазкур гуруҳ вакилларини ноқонуний истеъмоли асосан вояга етмаган ёшлар орасида тобора кўпайиши, бунинг оқибатида улардан ўткир заҳарланиш ва ўлим ҳолатларини кўплаб қайд этилиши ҳамда турли жиноятларнинг бош сабабчиси бўлиб хизмат қилиши ишни долзарблигини кўрсатади. Бундай оғир вазиятларда заҳарланишларни олдини олиш, аҳоли ва тиббиёт ходимларига биринчи ёрдам кўрсатиш учун йўлланма бериш, суд-тергов жараёнларига ойдинлик киритиш суд-тиббий экспертиза соҳаси ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. Ўзбекистон Республикасида муомаласи чекланган психотроп моддалар рўйхатига киритилган 1,4-бензодиазепин гуруҳ ҳосилаларига мансуб дори воситалар билан заҳарланиш ҳолатлари, уларни нотиббий мақсадларда ишлатилиши, дунё

миқёсида назоратга олиниши ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилиш ишнинг мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 878-сон қарори билан тасдиқланган психотроп моддалар рўйхатига киритилган фармакологик таъсири бўйича тинчлантирувчи хусусиятни намоён қилувчи 85 та моддалар орасидан физик-кимёвий хоссасига кўра 35 хил тур психотроп моддалар 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситаларига киради [1]. Ҳозирги кунда Европа ва Осиё мамлакатлари, шу билан бир қаторда Америка Қўшма Штатларининг (АҚШ) кўплаб ҳудудларида глобал муаммолардан бири-1,4-бензодиазепин ҳосилаларининг айрим вакиллари гиёҳвандлик воситалари билан бирга қўлланилиши оқибатида захарланиш ва ўлим ҳолатини кўплаб қайд этилаётганлигидир. М.Уорнер ва бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра, АҚШ 2010-2014 йилларда алпразолам ва диазепам дори воситаларининг гиёҳвандлик воситалари билан бирга истеъмоли оқибатида содир бўладиган захарланишларнинг метрологик таҳлили ўрганилган. Бунда 1,4 - бензодиазепин ҳосилаларига кирувчи алпразолам ва диазепамни гиёҳвандлик воситалар: оксикодон, героин, гидрокодон, метадон, морфинлар билан бирга қўлланилганда 95% ўлим ҳолати билан тугалланганлиги келтирилган [2].

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида 1,4-бензодиазепин гуруҳ моддаларни нотиббий мақсадларда ишлатилиш ҳолатлари маълум бир ҳудудда эмас, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида, масалан, Европа ва Осиё давлатларининг бир қанча ҳудудларини ҳам кенг қамраб олганини кўриш мумкин. Маълумот тариқасида, 2015 йилда Шотландия ҳукумати миллий маълумотлар марказининг берган ахборотига кўра, диазепам дори воситасини гиёҳвандлик воситалар билан бирга қўлланилишларига кўра 706 та ўлим ҳолат қайд этилган. Шу билан бир қаторда, 1,4 - бензодиазепин гуруҳ моддаларига мансуб бўлган дори воситаларидан этизолом,

диклозепам ва феназепам билан 27% дан ошқ ўлим ҳолатлари қайд этилган. Янги психотроп моддаларни 1,4 - бензодиазепин гуруҳ моддалари билан қўшиб ишлатиш натижасида 57 та ўлим ҳолати ҳам шу йилда қайд этилган. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, психотроп моддалар билан ўлим ҳолатлари кўпайиб бориши катта салбий оқибатларга олиб келган. Натижада ушбу дори воситаларини тиббий мақсадларда истеъмол қилувчи беморлар учун уларни топиш имконияти камайиб кетган. Бу эса беморларни ушбу дори воситаларига бўлган талабини оширган [3].

Бу гуруҳ моддаларининг назоратга олиниши ва дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бориши ёшлар ўртасида турли жиноятларнинг кўпайиши, оғир руҳий ҳолатларни юзага келиши ва ўлим ҳолатларининг ўсишига олиб келди. Ушбу ҳолатлар юзасидан Э.К.Сан Европа ва Шимолий Америка давлатларида 2013 йилнинг октябрь ойидан 2014 йилнинг март ойигача бўлган даврда 1,4-бензодиазепин ҳосилаларидан алпразолам, клоназепам, диазепам, флунизепам ва оксазепамларни гиёҳвандлик воситалар, наша, этил спирти билан биргаликда истеъмол қилиниши натижасида 320 нафар инсонлардаги оғир руҳий ҳолат юзасидан метрологик текширишлар ўтказди. Унга кўра, ушбу моддалар 59,4% ҳолатда этил спирти билан, 22,8% ҳолатда наша билан бирга қўлланилиши аниқланган ва уларнинг салбий таъсирида вояга етмаган ёшлар орасида қатор жиноий ишлар содир бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган [7].

1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситалари нафақат гиёҳвандлик воситалари билан балки турли депрессияга қарши дори воситалари билан бир вақтда қўллаш, миқдорини ошириб юбориш одам марказий асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиб, нерв хужайраларини фалажланишига олиб келади. 1,4 - бензодиазепинларнинг бу таъсир механизми опиоидларга қарамлик чақириб, гиёҳвандликдан даволанаётган беморларни даволашда ҳалақит беради. Оқибатда беморлардаги турдош касалликларни кучайтириб, ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин [4].

Австралиянинг Квинсленд штатида 2013 йилнинг сентябрь ойидан 2017 йил февраль

ойигача гиёҳвандлик воситаларни ноқонуний истеъмоли юзасидан таҳлиллар олиб борилган. Таҳлил натижаларига кўра, 52% ҳолатда бензодиазепин дори воситалари, 44% ҳолатда героин, 36% ҳолатда фенталин, 42% ҳолатда турли гангитувчи дори воситалари билан заҳарланиш ҳолатлари рўй берганлиги аниқланган. Ушбу маълумотлар кўра, гиёҳвандлик воситаларини инъекция қиладиган 50 нафар вояга етмаган ёшлар ўртасида 1,4-бензодиазепин гуруҳ моддаларини нотиббий мақсадларда ишлатиш ҳолати кузатилган. Дори воситаларни нотиббий мақсадларда фойдаланиш натижасида ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилган. Келтирилган статистик маълумотларга эътибор берилса, Австралиянинг баъзи штатларида 1,4-бензодиазепин гуруҳ дори воситалари билан заҳарланиш ҳолатлари сезиларли даражада ўсиши кузатилган. Бу маълумотларнинг энг муҳим томони шундаки, ушбу дори воситалари билан заҳарланиш ҳолатлари вояга етмаган ёшлар орасида бўлиш ва суиистеъмоли натижасида эса ўлим ҳолатларининг кузатилишидир [5].

1,4 - бензодиазепин гуруҳи моддаларининг тиббий мақсадларда қўллаш бўйича белгиланган тартиб-қоидалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса ҳам уларни суиистеъмол қилиниш ҳолатлари кўпга қайд этилмоқда. Ушбу ҳужжатлар уларнинг тиббий мақсадларда фойдаланиш шароитлари ва суиистеъмолини олдини олишга қаратилган. 1970 йилларда Собиқ Иттифокда ишлаб чиқилган 1,4-бензодиазепин гуруҳига кирувчи феназепам дори воситаси Россия Федерацияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг баъзи мамлакатларида махсус тиббий йўлланма - рецепт асосида марказий асаб тизими хасталиқларини даволаш учун рухсат этилган [6].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) 1971 йилда қабул қилинган Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ 1,4 - бензодиазепин ҳосилаларининг халқаро назорати кучайтирилиб, ушбу дори воситаларидан фойдаланишни таъминлаш ва уларнинг суиистеъмол қилиш ҳолатлари учун жавобгарликка тортилиш бўйича талаб кучга кирган. 1984 йилдан шу кунга қадар Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) 20-сон қарорига асосан 1,4 - бензодиазепин

гуруҳига мансуб 36 турдаги дори воситаларидан айримлари: диазепам, лоразепам ва мидазолам бир нечта давлатларда “Асосий дори воситалар рўйхати” киритилган [9].

Юқорида келтирилган ҳужжатлар асосида 2015 йилда ниметазепам, 2016 йилда феназепам, этизолам дори воситалари лицензияланган ҳамда назорат остига олинган. Назорат ишлари кучайтирилиши, дори воситалар устидан турли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш уларнинг суиистеъмолни камайтириш ўрнига бошқа усуллар билан тарқалишга ва сотилишга ва “Қора бозор” тушунчасини “ижтимоий тармоқлар орқали сотувлар” тушунчасига алмашилишига сабаб бўлди. Сўнги йилларда Ниметазепам дори воситасининг ижтимоий тармоқлар орқали сотуви кўпайган. Ушбу восита Европа давлатлари, Буюк Британияда тунги кўнгил очар масканларда ноқонуний равишда тарқатилиб, вояга етмаган ёшлар орасида кайф берувчи дори сифатида ишлатилиб келинмоқда [10].

2011 йил Япония, Италия, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Бруней-Даруссалам, Гонконг (Хитой), Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Хитойнинг Тайвань вилоятида бензодиазепин гуруҳи дори воситаларни нотиббий мақсадларда ишлатилиш ҳолатлари қайд этилган. 1,4 - бензодиазепам дори воситаларини гиёҳвандлик воситалар билан бирга қўллаш оммалашди. Уларга қўйилган чекловларни четлаб ўтиб турли ноқонуний йўллар ёрдамида сотиш, сақлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва фойдаланиш ҳолатлари кўпга қайд этилган. Малайзияда ниметазепам дори воситаси тиббиётда тинчлантирувчи дори восита сифатида қўлланишига қарамай, героин ўрнини босувчи ва кайф берувчи дори сифатида ишлатилиб келинган. Ниметазепам дори воситаси билан бир қаторда метамфетаминдан ҳам фойдаланишган. Сўнги йилларда дунё “қора бозор”ларида “Лицензияланган 1,4 - бензодиазепинлар”, “Дизайнер 1,4 - бензодиазепинлар” каби номлар остида сотиладиган 1,4-бензодиазепинлар гуруҳига мансуб психотроп моддалар ҳам пайдо бўла бошлади [8].

Тинч аҳолини химоялаш мақсадида ноқонуний йўллар билан 1,4 - бензодиазепин

гуруҳ дори воситаларидан фойдаланган шахсларга нисбатан турли хил кўринишдаги жазолар белгиланади. Аксарият жиноятларнинг ортида жуда катта миқдордаги пул маблағлари ёки инсоннинг шахсий манфаатлари туради. 2017 йилнинг январь ойида АҚШда рецепт бўйича бериладиган психотроп дори воситалар ва турли назоратдан ўтмаган ёки давлат томонидан сотилиш ва истеъмолига рухсат берилмаган таблеткаларни ижтимоий тармоқларда қонунга хилоф тарзда тарқатган дорихона раҳбарларига нисбатан қамоқ жазоси қўлланган. Опиоидлар ва бензодиазепин гуруҳига мансуб алпразолам (Ханах® бренди) ижтимоий тармоқлар орқали савдо қилаётган шахслар учун мўмай даромад топиш манбаига айланган. 2011-2012 йилларда Федераль штат ва маҳаллий суд-тиббиёт лабораторияларида алпразоламнинг ноқонуний савдоси ҳақида 18068 та хабар тарқатган. Алпразолам АҚШ бўйлаб "Discount Pharmacy" ва "A-1 Pharmacy" савдо номлари остида минглаб вояга етмаган ёшларга рецептсиз сотилган. Ушбу салбий ҳолатлар юзасидан уч йил давомида ўрганилган маълумотларга кўра, ноқонуний даромад 9 млн долларни ташкил қилган [15, 16].

1,4 - бензодиазепин гуруҳи дори воситаларининг ноқонуний айланмаси ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтмаган. Ушбу давлатларда ҳам текширувлар натижасида уларни нотиббий мақсадларда қўлланиш ҳолатлари аниқланган. Барча аниқланган ноқонуний дори воситалари тегишли ташкилотлар ҳисобига мусодара қилинган. Буюк Британия Наркотик моддаларга қарши кураш бошқармаси маълумотларига кўра, 1,4-бензодиазепинларнинг оммавий нотиббий мақсадларда тарқалиши ушбу давлатда ҳам қайд этилган. 2016 йил декабрь ойида ЖССТ маҳсулотларни тартибга солиш органи томонидан рецепт бўйича бериладиган дори воситаларнинг ноқонуний бозорида кенг қўламли текширув ўтказилган. Минтақадаги Йоркшир штатида 200 000 пакетдан ортиқ бензодиазепинлар нотиббий мақсадларда қўллаш учун сотиб олинган ва асосан вояга етмаган ёшларга тарқатилган. Текширув натижасида бу ноқонуний савдо тури билан асосан дорихона сотувчилари ва фармацевтик корхоналар, шунингдек Бирлашган Қиролликда рўйхатдан ўтган бир нечта дорихоналар иштирок этганлиги маълум бўлган. Ушбу

текширув юзасидан тергов ходимлари томонидан дорихона ва корхона раҳбарлари устидан жиноят иши кўзготирилган [19, 25].

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларида ҳар хил қалбаки дори воситалари мусодара қилганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Мусодара қилинган дори воситаларининг катта қисмини 1,4-бензодиазепин гуруҳига мансуб "Янги психотроп моддалар" ташкил қилган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Шотландия полицияси 2016 йилда ноқонуний наркотик бозорида "планшетларда" диазепам, этизолам, диклазепам, флubroмазепам ва синтетик опиоидлар гуруҳига мансуб "U-47700" номли таблеткалари аниқланган [11].

Сўнги йилларда 1,4 - бензодиазепин гуруҳи дори воситаларига мансуб марказий асаб тизими касалликларни даволаш учун ишлатиладиган препаратларини ўз ичига олган қалбаки воситалар мусодара қилинган. Жумладан, Европада наркотиклар ва гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш марказининг маълумотларига кўра, 2015 йилда қалбаки дори воситаларига қарши курашиш ишлари олиб борилган мониторингда алпразолам пластинкасида флubroмазолам, диазепам пластинкасида эса феназепам борлиги аниқланган. Сингапур тиббиёт фанлар бошқармасининг "Ноқонуний дорилар лабораторияси" маълумотларига кўра, 2012 йилдан бери Жануби-Шарқий Осиёда «Эримин 5» таблеткаларида феназепам билан алмаштирилган ниметазепам дори воситаси берилган [18]. 2017 йилнинг январь ойида Шимолий Америка қитъасида таркибида 1,4-бензодиазепинлар бўлган қалбаки дори воситаси флubroмазолам таблеткасини ноқонуний равишда тарқатилган ва шу фаолият билан шуғулланган ижтимоий тармоқ дорихона бошқарувчилари 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Финландия полицияси 2010 йил 1 июлдан 2011 йил 30 июнгача феназепамнинг 26 турдаги партиясини мусодара қилган. 2015 йил 2 июлда ЖССТ маълумотида кўра Конго Демократик Республикасининг Ноно минтақасида 400 нафар бемор сохта диазепамдан фойдалангандан кейин ўткир интоксикацияни бошдан кечирган. Диазепам таблеткаларини сифат назорат таҳлил лабораториясида текширилганда, пластинкаларда диазепам аниқланмаган, аксинча, ҳар бир таблеткада 10-20 мг

галоперидол дори воситаси борлиги аниқланган. Бундай пластинкалар Конго Демократик Республикасининг бошқа ҳудудларида, жумладан, Итури туманида ҳам қайд этилган [21, 20].

1,4-бензодиазепин гуруҳ дори воситалари устидан назоратнинг кучайтирилиши ва уларни сотувида маълум чекловларнинг қўйилиши ушбу моддаларни ишлаб чиқарувчи ноқонуний лабораторияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. 2016 йил 5 октябрда Ҳиндистонда Висакхапатнам даромад кузатув ходимлари Ҳиндистоннинг Андрха-Прадеш штатидаги Jawaharlal Neru Pharma Siti саноат ҳудудидаги яширин лабораторияни аниқлашди. Текширув вақтида муассасада жами 101 кг алпразолам мусодара қилинган. Суд-тергов ходимлари томонидан ушбу ҳолат юзасидан 5 кишига нисбатан жиноий иш очилган. 2016 йилнинг 4 октябрь куни Мадхя-Прадеш штатининг Индор шаҳрида жойлашган Марказий наркотиклар бюроси ходимлари томонидан 700 грамм алпразолам мусодара қилинган ва ушбу иш юзасидан 3 киши жиноий жавобгарликга тортилган [17].

Бундай ноқонуний савдоларни ташкил қилиш учун турли йўллардан фойдаланишди. Турли буюмлар орасига яшириш ёки бошқа буюмларга ўхшатиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Баъзи бир шахслар томонидан шундай дори воситаларини уйда сақлаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Малайзия гиёҳвандлик воситалар бўйича жиноий қидирув бошқармаси маълумотларига кўра, Селангор штатидаги Порт Клангда махсус разведка бўлими ва Малайзия Қироллик божхонаси 2017 йилнинг 20 мартада, Хитойнинг Тайвань провинциясидан олиб келинган контейнерга яширилган 2,5 миллион дона ниметазепам планшетларини мусодара қилган. Ушбу планшетдаги психотроп дори воситалари Малайзия, Индонезия, Сингапур ва Таиланддаги наркотик бозорларида сотиш учун мўлжалланган. Малайзия полицияси ушбу иш бўйича 10 кишини жиноий жавобгарликка тортган [13, 36].

2016 йил 24 июнь куни Ирландия миллий полиция хизмати томонидан Лимерик шаҳридаги номаълум уйда ўтказилган тинтув вақтида чакана нархи 9000 евро бўлган Xanax® таблеткалари ва бир неча килограмм наша ўтларини мусодара қилган. 2017 йил 13

февралда эса Ирландия Миллий Полиция хизмати ходимлари томонидан тахминан 19000 евро қийматига эга 6,5 кг экстазипин (таркибида МДМА) сақловчи Xanax® таблеткаларида алпразолам дори воситаси борлиги тахмин қилиниб, мусодара қилинган [23].

Бу савдолар остида бошқа бренд номларидан фойдаланган ҳолатлар ёки турли яширин номлардан фойдаланиш ҳам кузатилди. Бу номларни ўзгартиришлар учун йирик бўлмаган турли қадоклаш заводларидан фойдаланилган. Турли психотроп дори воситаларининг йиллар давомида ноқонуний савдоси миқдори сезиларли даражада ортиб бориши инсонлар ҳаётини ҳавф остида қолдирмоқда. Алпразолам Шимолий Америка ва Жанубий Осиё мамлакатларида турли бренд номлари остида ижтимоий тармоқлар орқали сотилган. 2011 йилнинг бошида АҚШнинг озик-овқат ва фармацевтика идораси алпразоламни сотиб олиш учун буюртма берган [22]. Канадада алпразоламни ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган иккита ўрта ҳажмдаги қадоклаш заводи аниқланган. Шарқий ва Жануби-Шарқий Малайзия 2011 йилда 2015 йилгача бўлган вақтда ниметазепам ишлаб чиқарувчи ноқонуний лаборатория фаолияти аниқланган. 2011-2015 йилларда ниметазепам Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан Бруней-Даруссаламда 1 кг, Хитойнинг Тайвань вилоятида 12 кг, 2017 йилнинг бошида 5 млн миқдордаги ниметазепамнинг ноқонуний савдоси аниқланган. Алпразоламдан 2011-2017 йиллар давомида ноқонуний йўллар билан энг кўп фойдаланиш ҳолати АҚШнинг бир қанча штатларига тўғри келади. 2014 йилда тахминан 5 т ва 2015 йилда 1 т миқдорда мусодара қилинган. 2011–2015 йиллар оралиғида ҳар бир мамлакатда жами 1-5 кг ёки ундан кам бўлган модданинг йиллик мусодара қилиниши ҳақида маълумотлар мавжуд [32]. Бу маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, 2011-2015 йиллар оралиғида 1,4-бензодиазепин гуруҳ моддаларини ноотиббий мақсадларда ишлатиш ҳолатлари кўпайган.

Дунёнинг турли мамлакатларида: Баҳрайн, Чили, Гамбия, Ҳиндистон, Италия, Покистон, Россия Федерацияси, Хитойнинг Тайвань вилояти, Ирландия ва Яман каби мамлакатларда 2017 йил бошида Xanax®

таблеткаларнинг таркибида алпазолам борлиги тахмин қилинди ва бир қанча ҳолатлар юзасидан иш олиб борилганда тахминлар ўз исботини топган. Алпазолам таблеткаларини эса бошқа бренд остида қалбакилаштириш ҳолатлари қайд этилган. Бу эса ушбу бренд остида ишлаб чиқариладиган бошқа дори воситалар савдосининг хавф остига олади ва улар савдосида истеъмолчиларнинг ишончини пасайишга сабаб бўлади [12].

1,4 - бензодиазепин гуруҳи дори воситаларига нисбатан назоратнинг кучайтирилиши ва жинойт ишларнинг очилиши ушбу гуруҳ моддаларининг янги вакилларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Янги психотроп моддаларнинг пайдо бўлиши уларнинг фармакологик ва токсикологик жиҳатдан таъсир доирасининг мукамал даражада ўрганилмаганлиги ва тегишли ташкилотлар томонидан тиббий мақсадларда ишлатиш учун рухсат берилмаганлиги сабабли уларни назорати қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Диазепам 2010 йилда Европа, Марказий Осиё ва Кавказ каби қатор минтақаларда “Relanium” ва “Valium” савдо номлари остида ва бошқа турли маркалар остида сотилган, олиб борилган тадбирлар натижасида 1 кг яқин миқдорда диазепамнинг ноқонуний савдосига ўз вақтида чек қўйилган. Жанубий ва Марказий Америка, Жанубий Осиё, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Ўрта Шарқ каби қатор ҳудудларда диазепамни ноқонуний савдоси аниқланган бўлса, 2010 йилдан 2015 йилгача вақт оралиғида Ҳиндистонда жами 24 кг, Мьянмада 7 кг ва Россия Федерациясида 7 кг диазепамнинг ноқонуний савдосига чек қўйилган [26, 27].

Сўнги йилларда бутун дунё бўйлаб бошқа 1,4-бензодиазепинларни аниқланганлиги (масалан, клоназепам, флунизепам, лоразепам, мидазолам, нитразепам, феназепам ва темазепам) ҳақида хабар қилинган бўлиб, улар асосан йиллик умумий оғирлиги 1 кг ёки ундан кам бўлган миқдорда мусодара қилинган. 2014 йилда Россия Федерациясида 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситаларини катта миқдорда ноқонуний тарзда сақланган ёки сотилганлиги ҳақида маълумотлар қайд этилган бўлиб, у ерда 28 кг дан ортиқ миқдорида клоназепам борлиги аниқланган. 2010-2015 йиллар давомида 1,4 - бензодиазепин гуруҳи моддаларининг яна бошқа вакиллари синтез

қилинди. Юқоридаги маълумотларга эътибор берилса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг суиистеъмолига қарши чоратадбирларнинг кучайтирилиши ушбу моддаларнинг янги вакилларининг пайдо бўлишига ёки янги кимёвий моддаларнинг синтез қилинишига сабаб бўлиб қолмоқда. Тегишли ташкилотлар ушбу “Янги психотроп моддалар” аниқлаб, тезкор таҳлил усулларини амалиётга тадбиқ этиб, қонун ишлаб чиқилишига кетадиган вақт узок муддатни ташкил этмоқда [28, 29].

Юқорида қайд этилганидек, янги ҳодиса сифатида 1,4-бензодиазепинлар синфига мансуб психотроп моддалар бозорларга кирди ва улар турли савдо номлари остида сотилмоқда. Ушбу моддалар синовдан ўтган, аммо фармацевтика саноатида дори сифатида тасдиқланмаган ёки мавжуд фармацевтик 1,4-бензодиазепинларнинг асосий тузилишини ўзгартириш орқали ишлаб чиқарилган моддаларни ўз ичига қамраб олди. Дастлаб 1,4-бензодиазепин гуруҳига мансуб дори воситаларидан диклазепам, флуромазепам ва пирозоллар каби моддалар ижтимоий тармоқлар орқали сотилган. Гарчи 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситалари баъзи “Янги психотроп моддалар”нинг таъсир қилиш ва фармакологик хусусиятида ўхшашлик бўлсада, янги модданинг асосий таъсир қилиш хусусиятлари яхши тавсифланмаган. Бензодиазепин ва опиоидлар ёрдамида бир қанча гиёҳвандлик воситалари синтез қилиниши оқибатида аҳоли орасида суиистеъмол қилиш даражаси ортиб борди. Ушбу дориларнинг фармакологик жиҳатдан таъсир қилиши хусусияти бошқа психотроп моддаларга нисбатан кучлилиги ва хавфлилиги доирасининг кенглиги билан назоратни кучайтиришни тақозо этмоқда [14].

Ушбу дориларнинг фармакологик ва токсикологик таъсири, миқдори, уларнинг таъсир қилиш вақти, моддалар комбинацияси, фаол моддалари ва беморлар орасидаги умумий ёки индивидуал ўзгарувчанлиги бошқа дорилар билан биргаликда қўллаш ҳолатларида юз берадиган ўзгаришларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги заҳарланиш хавфини янада оширади. 2011 йилда Германия, Норвегия ва Буюк Британияда этизолам ва феназепам каби дори моддаларни ўз ичига олган 1,4-бензодиазепин гуруҳига мансуб “Янги

психотроп моддалар” пайдо бўлганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. БМТ “Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича” кўмитасининг оғоҳлантириш ахборотлари ва ахборот порталига берган маълумотлар, турли мамлакатлар ҳисоботларидан олинган хабарларга кўра, 1,4-бензодиазепин гуруҳи дори воситаларига мансуб бўлган “Янги психотроп моддалар” сони ортиб бормоқда [24, 30].

2011 йилдан 2016 йилгача бўлган вақт оралиғида “Янги психотроп моддалар” сони жами 209 етганлиги ҳақида ахборот берилган ва этизолам, феназепам, диклазепам, флубромазепам ва пиразолам каби психотроп моддалар энг кўп миқдорда нотиббий мақсадларда ишлатилган дори воситалар қаторига киритган. Ушбу хабарларнинг 72% дан ортиғи Европа давлатларидан берилган бўлиб, 1,4-бензодиазепинлар гуруҳига мансуб “Янги психотроп моддалар” пайдо бўлганлиги ҳақида хабар берадиган мамлакатлар сони ҳар йили ўсиб борди. 2011 йилда 3 та давлатда, 2015 йилда 210 та давлатда ушбу маълумотлар расмийлаштирилган. Янги психотроп моддалар бозорида бензодиазепин ҳосилалари сони ортиб бораётганлиги сабабли, дунёнинг барча мамлакатлари ушбу моддалар вакиллари устидан давлатлар ўз назоратини ўрнатди. Масалан, Дания, Финляндия, Швеция, Швейцария, Туркия ва Буюк Британия каби Европа давлатларида ҳукумат “Янги психотроп моддаларни” назорат остига олинганлиги ҳақидаги маълумотларни хабар қилган. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Корея Республикасида ҳам диклазепам воситасини ҳукумат назоратига олган. Яқин Шарқ ва Бирлашган Араб Амирликларида диклазепам, этизолам, флубромазепам, пиразолам каби дори воситалари мавжудлиги ва улар устидан давлат назорат ўрнатилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд [31, 33].

1,4-бензодиазепин гуруҳи моддалар “қора бозори” жуда мураккаб бўлиб, улар бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Опиоидлар “қора бозори”нинг инқироzi шароитида 1,4-бензодиазепинлар гуруҳи моддалари ва бошқа гуруҳи психотроп моддалари биргаликда қўлланиши натижасида аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғилмоқда. 1,4-бензодиазепин гуруҳи моддалардан фойдаланиш Шимолий Америка

ва Европа давлатларида ўлим ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлди. “Қора бозор”да 1,4-бензодиазепин гуруҳи моддаларининг ассортименти жуда кўп бўлиб, уларнинг таъсир қилиш самарадорлиги, фармакологияси ва токсикологияси жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қилувчи сохта дори-дармонлардан тортиб, бензодиазепинлар гуруҳига тегишли “Янги психотроп моддалар”гача мавжуд [33, 34]. Хусусан, 1,4-бензодиазепинлар гуруҳига мансуб сохта 1,4-бензодиазепинлар ва “Янги психотроп моддалар” ҳақида маълумотлар ва уларни тўлиқ таҳлил қилиш усуллари мавжуд эмас. Уларнинг кимёвий ва фармакологик таъсири номаълум ва сохта дориларнинг таркибида ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Самарали натижаларга эришиш учун бозордаги ушбу маҳсулотларнинг табиатини ўрганиш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш, ушбу усуллари амалиётга тадбиқ этиш катта изланишларни талаб қилади. Шунингдек, 1,4-бензодиазепинлар гуруҳи моддалари билан биргаликда гиёҳвандлик воситаларни қўшиб истеъмол қилиш ҳолатлар, юз бериши мумкин бўлган жиддий салбий таъсирлар(оқибатлар) ва қалбаки дориларни сотиб олиш хавфи ҳақида маълумотларни кенг тарқатиш муҳимлигача қолмоқда [35, 36].

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, Республикамизда ҳам 1,4-бензодиазепин гуруҳига мансуб дори воситаларининг фармакологик ва токсикологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўлиқ ўрганилмаган, мавжудлари ҳам тарқоқ ёки ҳали бир тизимга келтирилмаганлиги сабабли, ушбу гуруҳи дори воситаларини таҳлил қилиш ва уларга нисбатан хулоса бериш жараёнида экспертлар учун бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради. 1,4-бензодиазепин дори воситаларидан нотиббий мақсадда фойдаланиш, сотиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний бозори ривожланиши, чакана савдо нуқталарини очилиши, мазкур дори воситаларини дори ишлаб чиқарадиган фармацевтика компаниялари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса

1,4-бензодиазепин ҳосилалари бўлган дори воситалари билан заҳарланиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида БМТ матбуот

хизмати томонидан сурункали қайд этиб бориладиган статистик маълумотлар ўрганилди. Маълумотлар шуни кўрсатдики, 1,4-бензодиазепин дори воситаларининг суиистеъмоли дунёнинг кўплаб мамлакатларида бир неча йиллар мобайнида сон кўрсаткичлари ошиб борганлиги кузатилди. Нотиббий мақсаларда фойдаланилган дори воситалари захарланиш ҳолатларини келиб чиқишига олиб келишини инобатга олиб, уларни турли объектлар таркибидан тезкор ва аниқ усулларда таҳлил қилиш муҳим. Бу эса ўрганилаётган психотроп моддаларнинг

экспресс идентификация қилиш услубларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада суд-кимё экспертиза бўлимларининг услубий таъминотини яхшилаш ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўрганилаётган дори воситаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва мавжуд бўлган таҳлил усулари билан танишиб, 1,4-бензодиазепин гуруҳига кирувчи моддаларнинг замонавий ва тезкор таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида услубий тавсиянома тайёрлаб амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Абадиётлар рўйхати

1. Национальный информационно-аналитический центр по контролю за наркотиками при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Психотропные и сильнодействующие вещества, контролируемые в Республике Узбекистан. И.К.Азизов.- Ташкент: Вақтриа пресс, 2021. -304 с.
2. Юлдашев З.А., Абдукаримова Х.А. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган психотроп моддаларнинг кимёвий гуруҳлари ҳақида Актualiные вопросы судебно-медицинской экспертизы и криминалистики. Сборник тезисов Республиканской научно-практической конференции с международным участием (25-26 февраля 2021 г.) Ташкент – 2021.
3. Уорнер М. и соавт.(декабрь 2016 г.) «Наркотики, наиболее часто связанные со случаями смерти от передозировки наркотиков.США, 2010-2014гг.и Отчеты Национальной системы учёта актов. -154 с.
4. Шотландия миллий маълумотлар маркази. 2015 йилда Шотландияда гиёҳванд моддалри билан боғлиқ ўлим, 2016 йил август. -56 с.
5. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) 20-й примерный перечень основных лекарственных средств ВОЗ: 20-й список. Март 2017 г. -405 с.
6. Управление национальной политики контроля за наркотиками (2015 год) Национальная стратегия контроля за наркотиками, 2015 год. -248 с.
7. Центры контроля и профилактики заболеваний (ЦКПЗ); Национальный центр медицинской статистики. «Исходная причина смерти на основании обширных данных ЦКПЗ в сети по эпидемиологии для научных исследований». 2015 г. -109 с.
8. Уорнер М. и соавт. (декабрь 2016 г.) «Наркотики, наиболее часто связанные со случаями смерти от передозировки наркотиков: Соединенные Штаты Америки, 2010-2014 гг.». Отчеты Национальной системы учёта актов гражданского состояния, 65 (10): -с 1-5.
9. Европейский центр мониторинга наркотиков и наркозависимости (ЕЦМНН) «Презентации по неотложной помощи наркологическим клиник и острая токсичность лекарств в Европе: обновленная информация от исследовательской группы «Euro-DEN Plus» и ЕЦМНН». Лиссабон, август 2016 г. -98 с.
10. Национальный центр учета данных Шотландии. Смерти, связанные с употреблением наркотиков в Шотландии в 2015 году, август 2016 г. -45 с.
11. Сан Э.К. и соавт. (март 2017 г.) «Связь между одновременным употреблением отпускаемых по рецепту опиоидов и бензодиазепинов и передозировкой: ретроспективный анализ». The BMJ: 356; Абрахамссон, Т. и соавт. (май 2017 г.) «Отпускаемые по рецепту бензодиазепин, z-препараты и прегабалин и смертность среди пациентов при поддерживающей терапии опиоидами — Открытое когортное исследование общенационального уровня на основании данных реестра». -56 с.

12. Европейский центр мониторинга наркотиков и наркомании (ЕЦМНН) «Перспективы по наркотикам: злоупотребление бензодиазепинами среди потребителей опиоидов составляющих группу повышенного риска в Европе». Лиссабон, июнь 2015 г.- 181 с.
13. Динес, А. М. и соавт. и исследовательская группа «Euro-DEN» (декабрь 2015 г.) «Презентации в отделении неотложной помощи после употребления каннабиса — серия многоцентровых исследований в десяти европейских странах». *Journal of Medical*
14. *Toxicology* 11(4): 415-421. 92 с.
15. Хорсфолл, Дж.Т. и Спраг, Дж.Э. (февраль 2017 г.) «Фармакология и Токсикология «Святой Троицы»» *Basic and Clinical Pharmacology and Toxicology* 120 (2): - 115 с.
16. Джонс, Дж.Д., Могали, С., и Камер, С.Д. (сентябрь 2012 г.) «Комбинированное злоупотребление наркотиками: обзор комбинированного употребления опиоидов и бензодиазепина». *Drug and Alcohol Dependence* 125 (1-2): 8-18; Икович, С. и соавт. (октябрь 2015 г.) «Употребление бензодиазепина как независимый фактор риска заражения ВИЧ в условиях Канады». *Drug and Alcohol Dependence* 155:-190 с.
14. Лим, В. Дж. Л. и соавт. (февраль 2017 г.) «Определение феназепама в незаконно произведенных таблетках Эримин 5». *Drug Testing and Analysis* 9 (2): 293-305./Lim, W. J. L. et al. (February 2017) “Detection of phenazepam in illicitly manufactured Erimin 5 tablets.” *Drug Testing and Analysis* 9 (2): - 293-305 с.
15. NEPTUNE (Сеть Соединенного Королевства по лечению новыми психоактивными веществами) «Руководство по клиническому лечению острого и хронического вредного
18. воздействия от употребления клубных наркотиков и новых психоактивных веществ». Лондон, 2015 г.
16. Комитет экспертов по вопросам зависимости от наркотиков Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ). «Феназепам: отчет по предварительному анализу. Пункт повестки дня 5.8». Тридцать седьмое совещание, Женева, 16-20 ноября 2015 г.; правление по борьбе с наркотиками (УБН) «Феназепам». Апрель 2014 г. -80 с.
17. Коркери, Дж.М., Скифано Ф., и Годсе, А.Х. (май 2012 г.) «Злоупотребление феназепамом в Соединенном Королевстве: возникающая проблема, вызывающая
19. серьезные неблагоприятные последствия для здоровья, включая смерть». *Human Psychopharmacology* 27 (3): 254-61; Криикку П., и соавт. (июль 2012 г.)
20. «Злоупотребление феназепамом в Финляндии: результаты проверок задержанных водителей, случаи вскрытия трупов и конфискации полицией». *Forensic science international* 220 (1-3): - 111 с.
18. Комитет экспертов по вопросам зависимости от наркотиков Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ). «Феназепам: отчет по предварительному анализу. Пункт
21. повестки дня 5.8». Тридцать седьмое совещание, Женева, 16-20 ноября 2015 г. -119 с.
19. Феназепам в настоящее время находится под международным контролем в соответствии с Перечнем IV Конвенции Организации Объединенных Наций о психотропных веществах 1971 года. – 204 с.
20. О’Коннор, Л.К., Торранс, Х.Дж., и МакКаун, Д.А. (март 2016 г.) «Определение феназепама, этизолама, пиразолама, флубромазепама, диклазепама и делоразепама в крови методом иммуноферментного анализа с использованием набора Immualysis® для определения бензодиазепинов». *Journal of Analytical Toxicology* 40 (2): 159-161 с.
21. Консультативный Совет по борьбе с злоупотреблением наркотиками (АСМД) «Рекомендации по U-47,700, этизолу и другим дизайнерским бензодиазепинам».
22. Соединенное Королевство, 2 декабря 2016 г. -91 с.
23. Комитет экспертов по вопросам зависимости от наркотиков Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ). «Этизолам (МНН): отчет по предварительному анализу.
24. Пункт повестки дня 5.7». Тридцать седьмое совещание, Женева, 16-20 ноября 2015 г.
25. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) «Вещества под наблюдением». Публикация доступна на сайте: [www.who.int/medicines/access/controlled-substances/](http://www.who.int/medicines/access/controlled-substances/substancesundersurveillance.pdf?ua=1)
26. [substancesundersurveillance.pdf?ua=1](http://www.who.int/medicines/access/controlled-substances/substancesundersurveillance.pdf?ua=1)

27. 25. УПН ООН, Вопросники ежегодных отчетов; Информационная сеть по злоупотреблению наркотиками для Азиатско-Тихоокеанского региона (DAINAP).
28. 26 Абдулла, А.Ф.Л. и соавт. (январь 2012 г.) «Экспертно-криминалистическое профилирование наркотического препарата Erimin-5 с помощью ТСХ и ГХ-МС».
29. Malaysian Journal of Forensic Sciences 3(1): 11-15.
30. 27 Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности (УПН ООН) Терминология и информация по наркотикам. 3-е издание. Март 2016 г.
31. 28. Европейский центр мониторинга наркотиков и наркозависимости (ЕЦМНН). «Перспективы по наркотикам: стратегии для предотвращения утечки препаратов заместительной терапии опиоидами». Май 2016 г.
32. 25. Европейский центр мониторинга наркотиков и наркозависимости (ЕЦМНН). «Перспективы по наркотикам: стратегии для предотвращения утечки
33. препаратов заместительной терапии опиоидами». Май 2016 г.
34. 26. Управление по борьбе с наркотиками США. «Руководитель нелегальной интернет-аптеки приговорен к 8 годам тюрьмы». 27 января 2017 г. Публикация доступна на сайте: www.dea.gov/divisions/sea/2017/
35. 27. Прокуратура Соединенных Штатов Западного округа штата Вирджиния. «Человек из Кросс Джанкшен признал себя виновным в маркировке товарным знаком, вводящим в
36. заблуждение». 3 февраля 2017 г. Публикация доступна на сайте: www.justice.gov/usao-wdva/pr/cross-junction-manpleads-guilty-misbranding-charge.
37. 28. Управление по борьбе с наркотиками (УБН) «Бензодиазепины». Январь 2013 г.
38. 29. Управление по контролю лекарственных средств и изделий медицинского назначения (МНРА) «Пресс-релиз: регулятор расследует случаи утечки лекарств, отпускаемых только по рецепту». 16 декабря 2016 г. Публикация доступна на сайте: www.gov.uk/government/news/regulator-investigating-the-diversion-of-prescription-only-medicines
31. Всемирная Организация Здравоохранения (ВОЗ). «Некачественные, поддельные, фальсифицированные, ложно маркированные, контрафактные лекарственные средства (SSFFC)». Январь 2016 г. Публикация доступна на сайте: <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs275/en/>; World Health Organization (WHO) “Counterfeit Drugs.”
39. Рабочее совещание ВОЗ /Международной Федерации Фармацевтических Производителей и Ассоциаций (IFPMA), Женева, 1-3 апреля 1992 г. -341 с.
32. Полиция Шотландии, «Нелегальный рынок бензодиаземина в Шотландии». Drug Trend Bulletin –Выпуск 13, сентябрь 2016 г.; Полиция Шотландии, «Нелегальный рынок бензодиаземина в Шотландии», Drug Trend Bulletin – Выпуск 8, апрель 2016 г. -162 с.
33. Новые события и тенденции», Европейский центр мониторинга наркотиков и наркозависимости (ЕЦМНН), Отчет по наркотикам в Европе за 2016 год: Тенденции и
40. события. Люксембург, 2016 г.
34. Криикку П., и соавт. (июль 2012 г.) «Злоупотребление феназепамом в Финляндии: результаты проверок задержанных водителей, случаи вскрытия трупов и конфискации полицией». Forensic science international 220 (1-3): 111-7.
35. Лим, В. Дж. Л. и соавт. (февраль 2017 г.) «Определение феназепама в незаконно произведенных таблетках Эрмин 5». Drug Testing and Analysis 9 (2): 293-305.
36. Для получения дополнительной информации обратитесь к: Управление по борьбе с наркотиками (УБН) «Microgram Bulletin». Август 2009 г.; Управление США по контролю
41. качества продуктов питания и лекарственных средств, «Фальсифицированные лекарственные средства – точки зрения Управления по контролю за качеством пищевых
42. продуктов и лекарственных препаратов». Публикация доступна на сайте: <http://indy.afdo.org/uploads/1/5/9/4/15948626/ddc-1035-flurer-pharmacounterfeiting>.

Юлдашев Закирджан Абидович, Абдукаримова Халима Абдуманнон кизи*,
Нурматова Малохат Исматовна

О НЕЗАКОННОМ ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИИ ВЕЩЕСТВАМИ 1,4-БЕНЗОДИАЗЕПИНОВОЙ ГРУППЫ И ПОСЛЕДСТВИЯХ

Ташкентский фармацевтический институт

*e-mail: habdukarimova9397@gmail.com

В статье представлены результаты исследования состояний, вызванных нетрадиционным использованием лекарственных средств группы 1,4-бензодиазепинов, включенных в перечень психотропных веществ. В настоящее время среди несовершеннолетних наблюдается рост числа тяжких преступлений, вызванных употреблением в различных немедицинских целях лекарственных средств 1,4-бензодиазепиновой группы, а в результате их злоупотребления - увеличение смертности. Согласно статистическим данным, число отравлений препаратами 1,4-бензодиазепиновой группы растет во всем мире. Изучены представленные в литературе данные о незаконном потреблении 1,4-бензодиазепиновых производных, а также случаи отравления ими.

Ключевые слова: психотропные вещества, наркотики 1,4-бензодиазепиновой группы, отравления, незаконный оборот, международный контроль, случаи злоупотребления, глобальные проблемы, торговля в социальных сетях.

Yuldashev Zakirdzhan Abidovich, Abdukarimova Halima Abdumannon kizi*,
Nurmatova Malohat Ismatovna

ABOUT ILLEGAL ABUSE 1,4-BENZODIAZEPINE GROUP SUBSTANCE AND ITS CONSEQUENCES

The Tashkent Pharmaceutical Institute

*e-mail: habdukarimova9397@gmail.com

The article presents the results of a study of conditions caused by the non-traditional use of drugs of the 1,4-benzodiazepine group included in the list of psychotropic substances. Currently, among minors, there is an increase in the number of serious crimes caused by the use of drugs of the 1,4-benzodiazepine group for various non-medical purposes, and as a result of their abuse, an increase in mortality. According to statistics, the number of poisonings with drugs of the 1,4-benzodiazepine group is growing worldwide. The data presented in the literature on the illegal consumption of 1,4-benzodiazepine derivatives, as well as cases of poisoning by them, were studied.

Key words: psychotropic substances, drugs of the 1,4-benzodiazepine group, poisoning, illicit trafficking, international control, cases of abuse, global problems, social media trading.

Zakirovna

PREPARATION AND ANTIFUNGAL PROPERTIES OF “ARGODERYL”
LINIMENT BASED ON CARBOXYMETHYLCELLULOSE AND SILVER
NANOPARTICLES.....

Egamberganova Oltinoy Ulugbek qizi, Kariyeva Ekut Saidkarimovna, Mirzakamalova
Dildora Sembaevna, Abdurahmanov Bakhtiyar Alimovich

ON THE DEVELOPMENT OF GLACEMBRIN CAPSULES TECHNOLOGY.....

Pharmaceutical and toxicological chemistry

Yuldashev Zakirdzhan Abidovich, Abdulkarimova Halima Abdumannon kizi,
Nurmatova Malohat Ismatovna

ABOUT ILLEGAL ABUSE 1,4-BENZODIAZEPINE GROUP SUBSTANCE AND
ITS CONSEQUENCES.....

Urinbaeva Inobat Rakhimboy kizi, Zulfikariyeva Dilnoza Alisherovna

DEVELOPMENT OF A METHOD FOR THE ANALYSIS OF THE PESTICIDE
THIACLOPRID BY THE METHOD OF THIN LAYER CHROMATOGRAPHY.....

Standardization and quality assurance of medicines

Yuldasheva Shahlo Habibullaevna, Tukhtaev Khakim Rakhmanovich, Sotimov Gayat
Bakhtiyarovich

STUDY OF THE OPTIMAL TECHNOLOGY OF DRY PUMPKIN SEED EXTRACT
INCLUDED IN THE COMPOSITION OF AN ANTHELMINTIC DRUG.....

Pharmacology and clinical pharmacology. Microbiological and histological studies

Salimova Nafisa Chori kizi, Imamaliyev Bakhtiyor Alisherovich, Sultanova Rano
Khakimovna

STUDYING THE ACUTE TOXICITY OF A MULTICOMPONENT DRY EXTRACT
BASED ON MILK THISTLE, CORN, PEPPERMINT.....

Miscellaneous (discussions, comments, anniversaries, scientific and educational news, pharmacy history, etc.)

Professor Ikromov Latif Tulaganovich is 90

Professor of the Analytical chemistry department of the Tashkent pharmaceutical
institute Azadjan Akhmatovich Shabilalov is 80

Professor of the Pharmacognosy department of the Tashkent pharmaceutical institute
Urmanova Flura Faridovna is 70

PHARMACEUTICAL JOURNAL

The order of registration of articles.....